



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 31 август, № 182 (8525)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ХОРИЖИЙ ЭЛЧИЛАРНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

30 август куни мамлакатимизга янги тайинланган хорижий элчилар томонидан ишонч ёрлиқларини топшириш тантанали маросими бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси элчиси Юй Цзюнь, Малайзия элчиси Илҳом Туа Бин Илс, Буюк Британия элчиси Тимоти Смарт, Туркменистон элчиси Шодурди Мередов ва Бангладеш Халқ Республикаси элчиси Муҳаммад Монирул Ислоддан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари хорижий дипломатик ваколатхоналарнинг янги тайинланган раҳбарларини Ўзбекистондаги фаолияти расман бошлангани билан самимий қутлади.

Тантанали маросим Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи давлат мустақиллигининг 32 йиллигини кенг нишонлаётган пайтда ўтказилаётгани рамзий маънога эга экани қайд этилди.

Жорий йилда мамлакатимизда умумэтироф этилган демократик нормаларга мувофиқ муҳим сиёсий тадбирлар — янгилашган Конституцияни қабул қилиш бўйича референдум ва Президент сайлови муваффақиятли ўтказилгани таъкидланди. Уларнинг натижалари амалга оширилаётган ислохотлар ортага қайтмаслигини мустаҳкамлаб қўйди. Бу “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон етакчиси дунёда геосиёсий кескинлик кучайиб, ўзаро ишонч сусайиб бораётган, турли минтақаларда янги низо ўчоқлари вужудга келиб, хавфсизлик ва барқарор таракқиётга таҳдидлар ортаётган шaroитда Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсат юритаётганини алоҳида таъкидлади.

Жаҳондаги барча мамлакатлар билан ўзаро ҳурмат ва амалий ҳамкорликка асосланган муносабатлар тизимини ривожланмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли

халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар билан кўп томонлама шериклик мустаҳкамланмоқда.

Жорий йилда мамлакатимизда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ҳамда Жаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей сессияси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари янги элчилар вакиллик қилаётган мамлакатлар билан муносабатларини сифат ва мазмун жиҳатдан мураккаб янги даражага олиб чиқишга доир қатор муҳим масалаларга эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Хитойдан янги тайинланган элчига мурожаат қилар экан, Пекин бизнинг ишончли ва вақт билан синалган дўстларимиздан бири экани, у билан муносабатлар кейинги йилларда ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилганини қайд этди.

— Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жанобларининг бир йил аввал мамлакатимизга амалга оширган тарихий давлат ташрифи ҳамда жорий йил май ойида Сиань шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Хитой” саммити доирасидаги самарали учрашувимиз икки томонлама муносабатларга кучли сурбат бағишлади, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ўзаро савдонини кўпайтириш, Хитойнинг етакчи компаниялари билан юқори технологиялар ва инновациялар борасидаги шериклигини кенгайтириш, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергетика, илғор санат ва

инфратузилма, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармацевтика бўйича қўшма лойиҳа ва дастурларни рўёбга чиқариш, фан-таълим ва маданий алмашинувларни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Октябрь ойида Хитойда бўлажак “Бир макон, бир йул” халқаро форуми доирасида олий даражадаги учрашув ўтказилиши режалаштирилган.

Малайзия — Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги муҳим ҳамкори. — Муносабатларимиз ўзаро ҳурмат ва аънанавий дўстлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Давлатларимизнинг долзарб глобал ва минтақавий масалаларга доир қарашлари ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқин, — деди Ўзбекистон Президенти.

Электроника ва электротехника, ахборот технологиялари, озиқ-овқат саноати, туризм, таълим ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш, Малайзиянинг етакчи компаниялари, айниқса, нефть-кимё корхоналари билан шериклик алоқаларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкент ва Урганч шаҳарларида Малайзиянинг “Бинари” университети муваффақиятли ишламоқда.

Фаол ўзаро ташрифлар ҳам олий даражадаги учрашувлар учун яхши замин яратмоқда. Жаҳонда улкан сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Буюк Британия Ўзбекистоннинг узоқ мuddатли ва муҳим ҳамкори.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳурматга асосланган кенг алоқалар йўлга қўйилиб, барқарор ривожланмоқда, янги лойиҳалар ва аниқ дастурлар билан бойимокда.

Парламентлар, суд идоралари, адлия, таълим ва молия вазирликлари ўртасидаги шериклик кенгаймоқда.

Ўзбекистон ва Буюк Британия Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Иқтисодий йўналишда ўзаро савдо ҳажми юқори суръат билан ўсмоқда.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатимиз инвестициялар ва инновациялар соҳасидаги ишга солинмаган улкан салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришдан манфаатдор эканини қайд этиб, банк иши ва молия, рақамли иқтисодиёт, “яшил” энергетика, геология, кимё ва бошқа устувор йўналишларда янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш таклифини билдирди.

Туркменистон — энг яқин қўшнимиз. Тили, дини ва урф-одатлари муштарак бўлган халқларимиз кўп асрлар давомида ёнма-ён яшаб келмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда барча йўналишларда — сиёсат, парламентларaro алоқалар, савдо ва иқтисодиёт, транспорт, энергетика, сув ва қишлоқ хўжалигида, маданий-гуманитар соҳада янги даражага кўтарилганини мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон Президентининг Ашхободга яқиндаги ташрифи, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан сермахсул музокаралар стратегик шерикликнинг янада чуқурлашишига хизмат қилди. — Биз савдо алоқаларини кенгайтириш, иқти-

содий соҳада ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва аниқ лойиҳаларни амалга ошириш, юк ташиш ва транзит ҳажмини кўпайтириш учун улкан салоҳиятга эгамиз, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Кўп қиррали алоқаларни, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги яқин мулоқотни ва ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётини давом эттириш нияти билдирилди.

Бангладеш Халқ Республикаси — Жанубий Осиё ва бутун ислом оламида тез ривожланаётган давлат. Мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқотлар фаоллашган.

Сиёсий ва савдо-иқтисодий йўналишларда “йўл хариталари” қабул қилинган. Тўққимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, туризм тармоқларида шериклини кенгайтириш, янги инвестиция лойиҳалари ва қўшма дастурларни амалга ошириш истиқболлари белгилаб олинган.

Маросим якунида Ўзбекистон Президенти элчиларга масъулиятли ва шарафли фаолиятда катта муваффақиятлар тилади, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада юксалтириш учун фаолроқ ишлаш ва худудларимизга кўпроқ боришга чакирди.

Дипломатлар самимий қабул, самарали фаолиятига яратилган шароитлар учун миннатдорлик билдириб, бор билим ва сый-ҳаракатларини икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга қаратишларини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ПРЕЗИДЕНТ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан, чет эллик инвесторлар “Дўстлик” ордени билан мукофотланган эди.

30 август куни Кўксаройда ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари маросим иштирокчиларини, аввало, Мустақиллик байрами билан табриклаб, эзгу тилақларини изҳор этди. Бу даврда мамлакатимиз катта таракқиёт йўлини босиб ўтгани, барча соҳада ўзгаришлар бўлаётганини таъкидлади.

— Халқ манфаатини таъминлаш, инсон кадрини улағлашга қаратилган ҳаракатларни давом эттириш мақсадида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини ишлаб чиқдик. Унинг лойиҳасини муҳокамага қўйганимизда 1 миллиондан кўп тақлифлар келиб тушди. Бу нимадан далолат? Халқимиз бефарқ эмас. Йўналишларимизни, камчиликларимизни кўрсатиб берапти. Бу биз учун “Йўл харитаси”. Давлатга энг катта ҳакам — халқ, — деди Президент.

Бу муҳим ҳужжатда Ватанимиз мустақиллигини ва тинчлигини асраш, кучли иқтисодиётни шакллантириш, халқимиз ҳаётини обод ва фаровон қилиш, фарзандлари-

мизни баркамол этиб тарбиялаш вазифалари белгиланган.

— Содда қилиб айтганда, бизнинг мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, Янги Ўзбекистонда халқимиз рози бўлиб, яйраб яшайдиган давлат қуришдан иборат, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бунинг замини, аввало, тинчлик, барқарорлик. Халқимиз бунинг қадрига етиб, интилиш, меҳнат руҳида яшамоқда. Янги-янги замонавий санаот корхоналари ишга туширилмоқда. Илм-фан, технологиялар, хизмат кўрсатиш борасида муҳим натижалар қўлга киритилмоқда. 2022 йил якунида кўра мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 5,7 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизнинг барча худудида ишанам уй-жойлар, йўл ва кўприklar, шифохоналар, боғча, мактаб, маданият ва спорт марказлари бунёд этилмоқда. Табиат қийинчиликларига қарамаздан, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олинди, озиқ-овқат хавфсизлигини, халқимиз дастурхони

тўқинлигини таъминлашга эришилмоқда.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз улғу мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг “Бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий меъоридир”, деган сўзларини келтирди.

Бунинг ифодасини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига, жумладан, кекса авлод вакиллари, аёллар ва ёшларга ғамхўрликда яққол кўриш мумкин. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, сифатли таълим бериш, замонавий касб-хунарларга ўргатиш, инфратузилмани яхшилаш ҳисобидан республикаимизда камбағаллик даражаси сезиларли пасаймоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳаллардаги ишларни, одамларнинг фаоллигини қайд этди.

— Биз биринчи кундан халқ ичига кириб бораёмиз. Кўп тизимларни маҳаллага туширяёмиз. Нимага? Маҳалла — давлатчилигимизнинг замини. Агар 9 минг 400 та маҳалла тинч бўлса, юртимиз тинч бўлади. Инвестиция ҳам, таълим тарбия, қурилиш, ободонлаштириш ҳам маҳаллада бўлса, қандай ўзгариш бўлади? Мана, “очик бюджет” орқали одамлар ўз муаммосини

олиб чиқиб, овоз бериб, ўзи назорат қиляпти. Шунинг учун маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича ишларимизни қатъий давом эттиряёмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент маросимга йиғилганларни номна-ном тилга олиб, давлат мукофотлари билан табриклади. Уларни Янги Ўзбекистоннинг чинакам бунёдкорлари сифатида кадрлаштини таъкидлаб, фидокорона меҳнат, ёш авлодга ибрати учун миннатдорлик билдирди.

— Бахт нима ўзи? Фарзандлар бағрида соғ-саломат юриш, оилада, эл-юртда азиз бўлиш, халол қилган меҳнатининг қадрини кўриш. Бутун халқимиз сизлар билан фахрланади, сизларга ҳавас билан қарайди. Илоҳим, мана шундай обрў, мана шундай ҳурмат-эътибор сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг мукофотланганларга Фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

Маълуки, миллий ўзгичимизни англаш нуқтаи назаридан Президентимиз ташаббуси билан “Имом Бухорий” ордени таъсис этилган. Юртимиз ва минтақамизда муқаддас ислом динини асраш, илмий меросни ўрганиш ва муслмонларга етакчи йўлда маъна-

вий жасорат кўрсатиб яшаган икки буюк ватандошимиз, марҳум муфтийлар — шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳамда шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари “Олий Даражали Имом Бухорий” ордени билан мукофотланган эди. Тадбирда уларнинг фарзандларига ушбу табаррук нишон топширилди.

Эл-юртимизда ҳурматга сазовор нурунийлар, давлат хизматчилари, олим ва педагоглар, тадбиркорлар, санатчилар, ижодкор ва санъаткорлар, харбийлар, спортчи ва мураббийлар мукофотларни қабул қилиб олди.

Президентимиз уларни табриклаб, самимий дил сўзлари ва тилақларини айтди.

— Бугун мен сизларнинг очик чеҳрангиз, бахтиёр кўзларингизни, сизлардаги баянли руҳни кўриб, очигини айтсам, гўёки ўзим ҳам мукофот олгандек хурсанд бўлиб турибман. Ниятим: кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак унвон ва нишонлар сизларга янги-янги куч-ғайрат бахш этсин, — деди Президент.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун миннатдорлик изҳор этиб, халқимизга эзгу тилақлар билдирди.

Ў.А.

«ACWA POWER» КОМПАНИЯСИ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ РЕЖАЛАРИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 август куни Саудиянинг «ACWA Power» компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайяни қабул қилди.

Ушбу компания билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мамлакатимиздаги устувор лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари атрофида кўпроқ ишларни амалга оширишга қаратишларини таъкидлади.

Бундан ташқари, Муҳаммад Абунайян ҳамраислик қилаётган қўшма Ишбилармонлар кенгаши доирасида Саудиянинг етакчи компания ва банк институтларини Ўзбекистонга жалб қилиш борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида “ACWA Power” раиси унинг фаолияти юксак баҳолангани ва давлат мукофоти — “Дўстлик” ордени билан тақдирлангани учун Ўзбекистон етакчисига чуқур миннатдорлик билдирди.

Ў.А.

«FORBES»:

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ОЧИҚ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚИЛИШ ДАСТУРИ БИЛАН ОЛДИНГА ИНТИЛМОҚДА

АҚШнинг машҳур "Forbes" молиявий-иқтисодий журналида таниқли журналист ва таҳлилчи Кеннет Рапоза қаламига мансуб "Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев ислохотлар учун кўпроқ вақтга эришди" сарлавҳали мақола chop этилди.

Дунё нигоҳи

"Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 9 июль куни бўлиб ўтган мундтаддан илгари мамлакат Президенти сайловидаги ҳал қилувчи ғалабаси давлат ижтимоий-сиёсий тузилиши ва иқтисодий янгиликларни кучайтиришдан дарак бермоқда, — деб ёзади эксперт Кеннет Рапоза. — Шавкат Мирзиёев 2016 йилда биринчи марта Президентликка сайланганидан бери Америка Қўшма Штатлари билан яқин муносабатларни ривожлантирди ва савдо шерикларини диверсификация қилиш учун ҳаракат қилмоқда".

Мақолада ушбу лавозимни эгаллаганидан бери Президент Шавкат Мирзиёев Президент Дональд Трамп даврида Ок уйга таширф буюргани ва Вашингтон билан яқинроқ алоқаларни ривожлантираётгани қайд этилган.

Муаллиф мамлакатдаги ислохотларни таҳлил қилар экан, "Bluestone"

инвестиция банки президенти Куинн Мартиннинг куйидаги сўзларидан иқтисод келтирган: "Шавкат Мирзиёев кемами 180 даражага буриб, янги йўналиш сари бошлади. У мамлакатнинг барча қўшнилари билан муносабатларни тиклади, фуқаролик жамиятини озод қилди ва иқтисодиётни очик ҳамда замонавийлаштириш дастури билан олдинга интилмоқда. Ҳали ҳам кўплаб муаммолар мавжуд, аммо бугунги кунга қадар эришилган ютуқлар жуда ажойиб".

"Forbes"да босилган ушбу мақолада Ўзбекистон Президенти хусусийлаштиришни қамраб олувчи улкан иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаётгани алоҳида урғуланган. Таъкидланганидек, маҳаллий чакана инвесторларни жалб қилишга қаратилган "Халқ IPO" ташаббуси ва муҳим давлат активларини сотиш очик, бозор иқтисодиёти сари сезиларли силжишини билдиради.

Журналда давлатимиз раҳбарининг март ойида эълон қилинган янги хусусийлаштириш режасида турли ҳудудлардаги 1000 та давлат корхонаси, 1,5 минг гектар ер ва 10 миллион квадрат метрдан ортик кўчмас мулкни сотиш назарда тутилиши ҳақида сўз юритилган.

"Ушбу чора-тадбирлар тўғридан-тўғри ҳорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, Ўзбекистоннинг позитив обрўсини корпоратив сармояларни қабул қилувчи давлат сифатида кўтаришди, — қайд этади муаллиф. — Шунингдек, Ўзбекистон етакчисининг фуқаролик жамияти эркинликлари ва коррупцияга қарши чораларга қаратилганлиги билан ажралиб турадиган бошқарув услуби жуда илгор. Мамлакат раҳбари Ўзбекистон учун муваффақият тарихига айланмоқда ва собиқ совет давридан қолган анъанавий сиёсатдан қайтмоқда".

Америкалик таҳлилчи-журналист, шунингдек, ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Президенти ходимлар сонини қисқартириш ва бюрократияни сармоа, ўсиш ва сармоия рағбатлантиришга йўналтирилган яна бир тизимга айлантириш мақсадида

доимий давлат аппаратида катта ўзгаришларни эълон қилганини айтган.


"Forbes" Ўзбекистонда АҚШдан инвестициялар ҳажми ортиб бораётгани ҳам алоҳида эътибор қаратган. "Май ойида саноат газ ишлаб чиқарувчи "Air Products" ва "Chemicals of Allentown" компаниялари Ўзбекистон ҳукумати билан "Ўзбекнефтогаз" компаниясининг қайта ишлаш бўлиминини сотиб олиш бўйича 1 миллиард долларлик инвестиция келишувини эълон қилди. Январ ойида "American Soybean" компанияси Ўзбекистонда илгари фойдаланилмаган ерларда соя етиштириш ва соя уни учун қайта ишлашга 300 миллион доллардан ортик сармоа киритишга рози бўлгани хабар берилган эди", деб таъкидланади материалда.

Мақола интихосида, "Келгуси бир неча йил жамоатчилик ишончини сақлаб қолиш учун жуда муҳим бўлади. Ўзбекистон ўз олдида кўйган мақсадларига эришиши керак. Одамлар аввалгидек ислохотнинг тез суръатларини кутишмоқда", деб ёзади Кеннет Рапоза.

«Дунё» АА. Вашингтон

Боқий сатрлар

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ



Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

Мен нечун севаман Ўзбекистонни, Тупроғин қўзимга айлаб тўтиё. Нечун Ватан, дея еру осмонин, Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Аслида дунёда танҳо нима бор? Пахта ўсмайди ўзга элда ё? Ёки қуёшим севгимга сабаб? Ахир қуёшли-ку, бутун Осиё.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни, Боғларин жаннат, деб кўз-кўз этаман. Нечун ардоқларкан тупроғини мен, Ўпаман, тупроғинг бебаҳо, Ватан!

Аслида тупроқни одил табиат, Тақсим айлаган-ку, ер юзига тенг Нечун бу тупроқ, деб йилгида Фурқат, О, Қашқар тупроғи, қашшоқимдинг сен?

Мен нечун севаман Ўзбекистонни? Сабабини айтгин, десалар менга. Шоирона, гўзал сўзлардан олдин, Мен таъзим қиламан она халқимга:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда, Мангу музликларга элтган бўлсайди, Қорликларни макон этган бўлсайдинг, Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Ватанлар, Ватанлар, майли, гулласин, Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо, Юртим, сени фақат бойликларинг чун Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

Дил сўзи

РАҒБАТ ИНСОНИ ЯНГИ МАРРАЛАР, ТАШАББУСЛАР САРИ ЧОРЛАЙДИ

Бугун юртимизда барча соҳа қатори, аграр секторни ривожлантириш, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Шу боис озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қўлай агробизнес муҳити ҳамда қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳада экспорт салоҳиятини ошириш ва инвестициявий жозибадорлиқни яхшилаш, айниқса, аграр тармоқда илм-фан ютуқларини жорий қилиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётди.



Равшан МАМУТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси, «Дўстлик» ордени соҳиб.

Тан олиш керак, илгари аграр соҳада бундай кенг қамровли ислохотлар ўтказилмаган. Охириги етти йилда эса қишлоқ хўжалиги соҳаси улкан ўзгаришларга юз тутди. Қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, обротдан чиққан экин майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, лалми ерларни ўзлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилди.

Озуқабоп маҳсулотлар етиштириш, аграр соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш учун ўтган даврда 200 минг гектар ер ажратилгани ҳамда 500 минг гектар қўшимча майдон фойдаланишга киритилгани ички бозорда нарх-навоми барқарор сақлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида ерга,

меҳнатга муносабат ўзгарди. Президентимиз ҳар бир соҳанинг узоқ муддатли стратегиясини белгиллаш билан бирга, тизим вакилларини муносиб қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам доимо ташаббус кўрсатиб келади. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва

ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони асосан бир гуруҳ хамюртларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Улар қаторида эл-юрт хизмати йўлида қилинган саъй-ҳаракатларимиз эътироф этилиб, камтарона меҳнатимиз "Дўстлик" орденига муносиб кўрилгани менга янада катта масъулият юклайди.

Албатта, билдирилган юксак ишонччи оқлаш учун мамлакатимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлиги йўлида бор билим ва тажрибамни ишга соламан. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган ишчи-хизматчиларга муносиб шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқларини

таъминлаш, аграр тармоқни янада кенгайтириш ҳамда ундан унумли фойдаланишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришда ташаббуслар кўрсатишни ўз олдида асосий мақсад сифатида белгилладим. Умуман олганда, соҳада амалга оширилаётган ислохотларни халқимизга етказиш, уларни йўлантираётган масалаларни парламент даражасида кўтариб чиқиш ва аграр соҳани ривожлантиришда натижадорликка эришишда фаол иштирок этиш устувор вазифамиздир.

Равшан МАМУТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси, «Дўстлик» ордени соҳиб.

ҲАР БИР КУН — ИМКОНИЯТ

Вақт надир? Бахт надир?! Вақт — бу сониядан соатгача, соатдан кунгача... йилгача... Доншишмандлар айтади, кунлар тез ўтади, йиллар секин. Зўр гап. Ростдан шундай, кун елди элади. Бир дақиқа ҳам тўхтамайди. Тонг отади, кун ботади. Кўз очиб юмгунча. Нур тезлигида-я? Муҳими, куннинг қадрини англамак. Ҳокдан қўқача бўлган моҳият шунда. Мозийдан то келажаккача...

Муносабат



Дан хис қилдим. Давлатимиз раҳбари Фармонида мувофиқ "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланганим ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлди. Бу — мавжуд имкониятлардан, вақтдан баҳоли қудрат самарали фойдаланаётганимизга берилган мукофот.

Бугунги давр шундайки, қилинган ишлар чексиз кўп, бироқ энди бажариладиган ишлар ундан-да кўп. Эҳ-эҳ, ишлайдиган, яшайдиган, Ватанини буюк Ватанга айлантирадиган замон келди. Вақтнинг шиддати... Ҳар бир куннинг дарёлаганиши... Қани, иложи бўлса, бир сутка 30 соат бўлса, дейсиз. Лекин 24 соатда ҳам йилларнинг, ҳа-ҳа, йилларнинг ишини бажаришга имкон топилмапти. "Бир онинг баҳосини ўлчамоқ учун, Олтиндан тарози, оломсдан тош оз", дейди-ку шоир.

Вақтнинг нималигини, ҳар бир кунинг асрларга тенглигини англаган киши буюк ишларга қодир бўлади. "Асрга та-тигулик кун" деб ёзганда Чингиз Айтматов ана шу улғу фалсафани айтган. Доншишманд одами, башибир дошишманд...

Сурхондарёда Раҳмон Муҳаммадиевни ҳамма билади. Ҳатто бутун Ўзбекистонда яхши танишади. Ўзбекистон Қаҳрамони. Кўз шифокори. Кўзларга гавҳарлар қўйиб, умрини гавҳарга айлантирган...

— Мен бир гапни айтмай, — дейди Раҳмон ака, — ҳаёт шундай тезлашдики, ҳар кун янгилик. Мустақиллигимизга 32 йил бўлди. Узининг ҳаёт қандам бор, гапни қамайтириб, ишни қўяймиш керак. Бўлмаса орқада қолиб кетамиз. Эзма одамни ёқтирмайман. Ҳар

бир кун — бир хум олтин. Билганга шундай. Ҳаётинг, илм олган, ҳаётни тушунаганга шундай. Савияси йўқ, саводсиз, фаросатсиз кишига "Бир кун — бир бог хас-хашак", дегани. Бундай олтин давр ҳеч бўлмаган. Бизга худ бери. Дунёга очилдик. Жаҳоннинг энг зўр технологиялари қўлимизда. Ургансангиз, кучли бўласиз. Билмасангиз... четга чиқиб қоласиз. Сизни ҳеч ким сўрамайди. Ҳар бир кун — бир дунё. Илм, илм... яна илм. Тажриба! Ҳар бир куннинг ўзгариши, ўсиши... сизни ҳамма излайди. Жаҳон сизни қафтида кўтаради.

Ешми ўтгапти. Урганганим нарсаларим, ўқийдиган китобларим, орттирадиган тажрибаларим кўп. Бугун янги технологиялар қанчадан-қанча?! Ҳар бир кун — имконият. Катта имконият. Вақтни кўзининг гавҳаридек асраш керак. Кун бўйи бекор юрганларга раҳим қилади.

Мустақиллик байрами нишонланмапти. Бундай шухули дамларда ортинга қарайсан. Қўлга киритган ютуқларинг, бой берган имкониятларингни қийслайсан. Шу маънода, кейинги етти йилда Ўзбекистон уйғонди. Одамлар ҳаётга бошқача қарайдиган бўлди. Эртанги кунга ишонан янада ортди. Шоғирдларимга боқаман. Ёшлар... кўзлари ёнади. Жуда илмли. Мени хайрон қолдиради. Мен учун икки соҳадаги ўзгаришлар бошқача сезилади. Бирови — тиббиёт. Иккинчиси — таълим. Тиббиёт билан мактаб, очигини айтсам, оғирдан оғир эди. Угай эди, угай. Негина бунақа экан, деб қўярди. Ўйлаб қўринг-да, тадбиркор керамики — керак, савдо керамики — керак, лекин инсон сав бўлмаса, егани юкдами?! Касал одамнинг тадбиркорликка ҳуши бўлмади?! Етти йилки, ҳам-масига йўл очилди...

Раҳмон ака фақат кўз дўхтири эмас. Фикр қамрови кенг инсон. Гуруннинг эшитиш, мазза қиласиз. Кўп ўқиган. Ҳаёт китобини айтмайсизми?! Том маънода қаҳрамон. Тафаккури олам жаҳон. Сўзларини эшитиб ўтириб, зўр китоб қилсангиз арзийди.

— Кейинги йилларда ҳақиқий тадбиркорлик пайдо бўлди, — дейди у. — Ишбилармонлик учун қўлай муҳит яратилди. Натижада маънавият ривожига ҳам имкон туғилди. Зеро, қорни оч, чўнтаги бум-бўш, маблағсиз жовдираб турган кишига, "Лағзи"ни айтсангиз ҳам хуш ёқмайди. Тадбиркор ҳар ишда мададкор-да. Вақтига ўзи "хўжайин", вақтни қизганадиган, сони-

янинг заррасини ҳам пулга айлантирадиган, миллиарднинг "бир"дан бошланганини айтадиганлар тадбиркорлардир. Вақт қадрини билмаган, нақд қадрини на билсин? "Ўз қадрини билмаган, ўзга қадрини на билсин!" Ютуқларга қандай эришяпсиз, деб сўранг тадбиркордан. Ҳар сония — янги имконият, юксалиш учун берилган рағбат, дейди. Аввал... ху, авваллари бундай эмас эди. Ислохотлар, имкониятлар, эркинликлар, бозор иқтисодиёти, рақобат, янги давр ҳаммага шижоат бахш этди. Жони бор "жондор" елиб-югургапти. Ризқини ишлаб топапти. Бир кун мудраган 10 кунга орқада қолади.

Мен врачман. Ҳаволи, осмоний гапни ёқтирмайман. Бор гап шунки, кўз олдимизда янги Сурхондарё бунёд бўлмоқда. Тогдан булоқларнинг, сойларнинг тоза, шифо сувлари келмапти. Сармосиё чўққиларидан Қизилқоқча, яна қанча-қанча туман ичимлик суви билан таъминланган. Бу — минглаб, ҳатто неча миллион одамнинг соғлиғи, дегани. Вилоятимиз одамлари янада соғлом бўлади. Нимасини яшираман, хали Қизирқил, Бандихонларда қўлмас сув инаётганлар бор. Машиналарда сув ташиб келтиряётганлар бор. Энди тоғдаги чашманнинг сувини ичишади. Маблағ етарли. Ҳар бир кун ганимат. Одамлар суви кутушяпти... Кўнурлар ётқизилмоқда. Ишнинг қизғинлиги... эҳ-эҳ ишчимиз, хизматчимиз, муҳандисимиз, лойихачимиз, раҳбарларимиз... Сурхондарё гайрат-шижоатда. Барчаси бугун учун, келажак учун, халқ учун!

Деновда бўлсангиз "Ким зўр тадбиркор", деб сўранг. Зўрдан зўр кўп. Лекин Ислом Худойбердиевни машҳур дейдилар.

Ислом ака — туман депутати. Кўриниши ҳайбатли. Бир томондан қарасангиз, Алломишга ўхшайди. Тоғ келбати, йўлбарс савлатли, ўзи давлатли йигит. Сўхбати қизик. Хайрон қоласиз.

— Бойсун — Денов йўли... йўл эмасди. Ўн қадамда юзта "яма", тўғриси. Халқ неча ўн йилдан бери қийналади. Ҳозир кўринг, йўл янгидан қийнапти. XXI аср йўли бўлапти. Ниёб этса, машиналар қушдай учеди. Бойсун булоғидан пиёла тўла сув Деновгача бир томчи тўқилмапти. Сурхондарёнинг хоҳлаган жойига бординг, уйлар, бинолар, иморатлар, заводлар, фабрикалар, қишлоқ йўллари, мактаблар, университетлар қуриляпти. Бир ободлик устига минг ободлик. Сурхондарё бу-

гун қадди-қоматини тиклаётган пахлавонга ўхшайди.

— Ислом ака, сиз, катта тадбиркор-сиз. Кейинги йилларда соҳада эркинлик кенгайди, солиқ имтиёзлари берилди... — негандир саволига уялдим, ба-рибир фикримни охирига етказдим, — сизнинг натижаларингиз қандай?

— Ўзгаришлар ҳақида сўзласам, гап кўп. Деҳқончилик, боғдорчилик, қурилиш бутунлай янги ривожланиш босқичига кўтарилди. Кластерлар пайдо бўлди. Президентимиз соҳа вакиллари билан очик мулоқотда таъкидлаганидек, етти йиллик саъй-ҳаракатлар натижасида Янги Ўзбекистонда янги тадбиркорлар синфи шаклланди. Мен Деновнинг қоқ ўртасида "Чағоний" китоб маркази очдим. Ўн йил олдин китоб деса, базилар бурнини жийирарди. "Китоб деддингизми-а?!" деб хайрон қарарди. Бугун сиз ҳам, мен ҳам тушунди: китобсиз ҳаёт йўқ. Келажак йўқ. Шу боис уч қаватли китоб маркази очилиши байрам бўлиб кетди. Зиёлилар, ёшлар, оддий халқ вакиллари — ҳам-манинг қўлида китоб. Мушоира бир қизиқ-ей... Оғзингиз очилиб қолади.

Китоб ўқётган, китоб билан яшайётган кишиларни кўрсан, завқланиб кетаман-да.

Ғафур Ғулумнинг шеъри борку: *Шухрат қолдирмоқ чун Геростратдек, Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас. Кўларнинг бахтига ўзликни жамлаб, Шу улғу бинога бир гишт қўйсақ, бас.*

Ғафур бобо, қаранг, қандай ёзган. Мўжиза-а?! Ҳозир, ҳа-ҳа, ҳозир тандирдан чиққандай. Қуйилиб келгандай...

Ислом акани эшитяпман. Хайратланган бўлман. Тадбиркор деса, ширбу-ку, бу одам. Бизнеснинг ичиди, ишбилармонлиқнинг йўлида юрганлар ҳам китоб ўқир экан-эй. Шеърини ёддан айтар экан-а?! Мени кечиринг-у, ростини айтсам, бунақа катта тадбиркорнинг, замонавий машиналарда юрган хайбатли кишиларнинг шеър ўқийшини ҳеч ақлимга сифиролмасдим. Ҳаёт — ҳаёт-да. Биз ўйлаган нарса доим ҳам тўғри эмас экан. Ислом ака сўзлапти...

— Мен китобни яхши кўраман. Ўзбекистон қаҳрамонлари, халқ шоирлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, яна кўплаб шоирларнинг 100 га яқин шеърларини ёддан ўқийман. Беҳижолат бир гапни айтман: бугун китоб, шеърлар яна ҳаётга қайтди. Йўқ бўлиб кетадиган жойга бориб қолганди. Лекин китоб, илм, адабиёт бўлмаса, ҳаёт

бўлмапти. Сўз санъати қалбни тарбиялайди, тафаккурни қарлайди, инсонни маънан уйғотади. Таассуфки, базилар бугун ҳам ғафлатда. Ҳамма сергак тортса, қўзланган барча маррага тез етишимиз аниқ. Бугунги давр ҳар биримиздан ҳаётга очик кўз билан қарашни талаб этади. Янги Ўзбекистонда эса имкониятлар сероб. Бундай давр ҳеч қачон бўлмаган. Ўқийман десангиз, ана замонавий олийгоҳлар. Йўл очик. Авваллари Сурхондарёда 1 та, ўйлаб гапиряпман, бор-йўғи битта ТерДУ бор эди, битта шу. Унга кириш пул эди, коррупция эди. Ҳозир Сурхондарёда 6 та олий ўқув юрти... Яна битта хусусий университет. Яна нима керак бизга?! Ўқимокчимиз, бемалол. Бизнес қиласиз, йўл очик. Четга бориб ўқийсизми? Иштирингиз. Ҳамма томонда имконият. Яшайдиган, яшайдиган замон келди. Машинада доим китоб... Депутатман, мактабларга бораман. Китоб совға қиламан. Болалар ўқияпти. Китобга қизиқиб қунайди. Олифтахил қилляпти деманг, китоб ўқимаган, шеър айтмаган кунимни умримга қўшмайман...

Ислом Худойбердиев яратган боғлар, кўрсатилган хизматлар, тадбиркорлик муаммолари — улар кейинги сўхбатларга қолди. Сурхондарё — янги Ўзбекистон деган боғу бўстонинг битта гулшани. Ҳеч мулобага деб ўйламанг, Термизни ҳар кун кўрсам ҳам, гоҳида адашгандай қараб қоламан. Шу ўзимизнинг Термизим, деб хайратланаман. Ҳашаматли саройлардан осмонлар иншоотларгача, йўллар ёқасидаги 70 даража иссиқни ёниб гўллаётган гулу чаманлардан боғу бўстонларгача. Одамлар тафаккурдаги шўкроналигу мунавварликни кўрсангиз. Термиз отадан Имом Термизийгача... Фикирингизни чўғлантиради, кўнглингизни руҳлантиради, тафаккурингизни тоғлантиради. Сурхондарёни кўрмабсиз, бу дунёга келмасиз, деган боблар сўзини эшитгансиз-а?! Айниқса, мустақиллигимиз байрамларида... Алломишдай азал достон бу! Барчойндай гўзал бўстон бу! Ўзбекистон жонига жо бу! Сурхондарё бу!

Юқорида "Бахт надир?" деган саволни ҳам бергандик. Уйлайманки, мақола-миз моҳиятида гуш саволга ҳам жавоб топдик. Вақтдан, ҳар бир куннинг бир имконият эканидан фойдаланиб яшаган инсон барча оруз-умидларига етаркан, эл-юрти равнақиға хисса қўшаркан, зўр-юрти ардоққа бўлиб, умридан барака топаркан — шунинг ўзи катта бахт!

Менгюр ОЛЛОМУРОВО, Ўзбекистон уюшмасининг Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиб.

Олий Мажлис Сенатида

ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ЭЪТИРОФИ

Бугун ислохотлар нафаси етмаган шаҳар, қишлоқ ва маҳалла қолмади. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги инобатга олиниб, йирик sanoat корхоналари, янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмоқда. Натижада иқтисодий тизимиз янада мустақамлашиб, халқимиз фаровонлиги таъминланмоқда.

Шубҳасиз, буларнинг барчаси халқимизга эркинлик ва рўшнолик олиб келган мустақиллик шарофатидандир. Аммо бугунги ютуқларимиз ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Бунинг замирида давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган изчил ислохотлар

ҳамда меҳнатқаш халқимизнинг фидойилиги муҳассама.

Мамлакатимизда ана шундай фидойи юртдошларимизни тақдирлаш эзгу аънамага айланган. Жорий йилда ҳам Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан Ватанимиз истиқлоли ҳамда тараққиёти

ўлида фидойилик кўрсатилган ва садоқат билан меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медалларига муносиб кўрилди.

Президентимизнинг Фармонида кўра, мустақиллигимизнинг 32 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустақамлаш, барча соҳада ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, янги Ўзбекистонни барпо этиш,

унинг халқро майдондаги нуфузини юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу мақсадлар йўлидаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва оқилолликни асраб-авайлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ибратли ишлари, шунингдек, эркин истеъдодли, кенг қамровли ижодий, илмий-амалий фаолияти, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир қатор муносабатлари билан мукофотлари билан тақдирланди.

Олий Мажлис Сенатида ўтказилган маросимда давлат мукофотлари ўз эгаларига топширилди.

Мукофотларни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева топширди.

Тадбир давомида мукофотланганлар сўзга чиқиб, ўзларининг катмарона меҳнатлари давлатимиз, Президентимиз томонидан юксак даражада эътироф этилганини таъкидлаб миннатдорлик изҳор қилишди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТГА МУНОСИБ БАҲО

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида давлат мукофотларини тантанали топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов йиғилганларни мустақиллик байрами ва мукофотлар билан табриклаб, эзгу тилаклар билдирди.

Таъкидланганидек, халқимиз шу кунларда Ватанимиз ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 32 йиллик байрамини «Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!» деган бош ғоя асосида кенг нишонламоқда.

Ушбу ғоя замирида чуқур маъно бор. Зеро, кейинги етти йилда Ўзбекистон демократик янгиликлар, жадал иқтисодий ривожланиш, кенг қўламли ислохотлар мамлакатига айланди. Бугун ҳар бир фуқаро эркин ва фаровон яшайдиган янги жамият ва давлат барпо этилмоқда. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши халқимиз янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотларни ҳар то-

монлама қўллаб-қувватлашни яна бир бор аққол тасдиқлади.

Иқтисодий тармоқларини жадал ривожлантириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартриш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тиббий хизматлар ва таълим сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш борасида тизимли ишлар олиб борилаётганини қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига асосан Қонунчилик палатаси Спикери томонидан бир гуруҳ давлат хизматчилари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларига давлат мукофотлари тантанали равишда топширилди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида

ҚАБУЛ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАР МУАММОЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Аёнки, бугунги кунда жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган янгиликлар моҳиятига мос равишда халқ билан мулоқот қилиш, фуқароларни ўйлантираётган масалалар ва муаммоларга ечим топиш барча даражадаги давлат идораларининг бирлашми вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Кейинги йилларда бу борада муайян натижалар қўлга киритилди.

Шу ўринда жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш орқали инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш масаласига устувор йўналишлардан бири сифатида қараб келинаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Жорий йилнинг август ойи давомида Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан ташкил этилган фуқаролар қабуллари мисолида ҳам бундай ҳолат мўжиза бўлиши мумкин. Мўҳими, бу жараёнда юртимизнинг турли ҳудудлардан келган 100 га яқин фуқароларнинг муаммолари тингланди.

Қабуллар жараёнида Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд вакиллари ва тегишли мутахассисларнинг жалб этилгани унинг янада самарали кечишига хизмат қилди.

Эътиборлики, қабулга келган ҳар бир фуқаронинг муносабати тўлиқ ва холисона ўрганилиб, ақсарият муносабатлар

жойида ҳал этилган бўлса, кўриб чиқиш учун қабул қилинган муносабатлар алоҳида назоратга олинди.

Жумладан, фуқаро В. Никулин ва Ю. Мешалкиннинг Бош прокуратура ҳамда ИИБ раҳбариятига қабул қилишни сўраб, фуқаро С. Курбановнинг эъраволик ва таъйиққа қарши ҳимоя ордери масаласидаги муносабатлари айна жараёнда ижобий ҳал этилди.

Тахлиллар қабул жараёнида келиб тушган муносабатларнинг асосий қисмини моддий таъминот, уй-жой билан таъминлаш, бандлик, тергов ҳамда оқил судловни амалга оширишга оид масалалар ташкил этишини кўрсатди.

Қўмита томонидан ҳар бир муносабатни тўлиқ ўрганиб чиқиш ҳамда натижа буйича вақтида қонуний қарор қабул қилиш юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда ҳудудлардаги маъсۇл раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУР

Маълумки, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулкнинг дахлсизлиги янада мустақамлашиб, мулкдор мол-мулкдан суднинг қарори бўлмагандан туриб маҳрум этилиши мумкин эмаслиги ҳамда Бош қўмитасида илк маротаба ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Семинар

Кеча Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган «Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминлаш» мавзусидаги семинарда шу масала батафсил таҳлилдан ўтказилди.

Таъкидланганидек, Конституциямизда ерга нисбатан хусусий мулк жорий этилиши тадбиркорларнинг кредитга лаёқатлилиги даражасини ҳамда мол-мулкни оқилона бошқариш орқали даромадни кўпайтириш имконини бериши, ернинг хусусий мулк сифатида белгилиниши мулкдорлар қатламнинг кенгайишига, бу борадаги бозорнинг ривожланишига, ер участкаларидан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорлик ошишига олиб келади.

Иштирокчилар томонидан Конституцияда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум

этилиши мумкин эмаслиги белгилангани бугунги кунда жамиятимиздаги ўткир муаммолардан бирига айланган уй-жойни бузиш билан боғлиқ муаммага нисбатан халқаровар ечим бўлганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Семинарда мулк ҳуқуқи ва унинг турлари, мулк ҳуқуқи вужудга келиши, бекор қилиниши ва ҳақиқий эмас деб топилган асосларини амалиётда қўллашда айрим муаммолар юзга келаётгани ҳамда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизми янада такомиллаштириш зарурлигига ҳам эътибор қаратилди.

Шунингдек, мулкни хусусийлаштириш, ижара ҳуқуқи асосида маълум муддатга ер ажратиш ва мазкур ер участкасида қурилган бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқни амалга оширишда айрим муаммоларга тўхталиб ўтилди.

Яқунда барча мулк шаклининг тенг ҳуқуқлилиги ва унинг ҳимоя қилиниши таъминлашга доир муҳим тақдир қилинган мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ҚУТЛАЙМИЗ!



Президентимиз Фармонига кўра, ҳамкасбимиз — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Бош муҳаррирининг ўринбосари Хашимов Акрам Абдиевич «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Таҳририят жамоаси жонқур ва фидойи ҳамкасбимизни ушбу юксак мукофот билан табриқлайди. Унинг келгусидаги ишларига муваффақиятлар ёр бўлишини тилайди.

Тиббиёт

ЁРҚИН КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

Охириги етти йилда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлик кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган улкан ишлар бажарилди.

Хусусан, инсон манфаатлари йўлидаги сайё-ҳаракатлар натижасида соғлиқни сақлаш тизими тубдан такомиллашиб бормоқда. Айни вақтда 17 млн. нафардан ортиқ аёлларга 22,3 минг ўринга эга 227 та туғуруқ комплекси, 11 млн. нафар 18 ёшгача бўлганлар учун 13,3 минг ўринга эга 245 та педиатрия муассасаси хизмат кўрсатмоқда.

Тиббий-санитария муассасаларида «Аёллар маслаҳатхоналари», туман ва шаҳарлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникаларда «Онко-назорат хонаси» ҳамда «Қизлар саломатлик марказлари» фаолият юрляпти.

Ҳомилдорликнинг биринчи уч ойлигида аёлларни оммавий тарзда ультраовуш текшируви нафақат вилоят миқёсида, балки туман ва шаҳар миқёсида янги ташкил этилган пренатал скрининг хоналари орқали амалга ошириляпти. Юртимизнинг барча ҳудудидида кўп тармоқли марказий поликлиникалар, пренатал скрининг хоналари замонавий ультраовуш таҳлил аппарати билан жиҳозлангани ҳам бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирмоқда.

Ислохотлар самарасида охириги беш йилда гўдаклар ва оналар ўлими кўрсаткичи камайди. Шунингдек, эшитиши заиф ва туғма қарликни даволаш мақсадида жорий йилнинг 6 ойида 5 ёшгача бўлган 164 нафар болада кохлеар имплантация амалиётлари ўтказилди. Худудларда 46 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг туғуруқ бўлимлари

негизда туманлараро перинатал марказлар амалдаги штатлар доирасида ташкил этилди. 2022 йил 1 июлдан эса оилавий шифокор пунктлари ва туман ҳамда шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалари «тиббий бригадалари» таркибиде 8,5 минг нафар патронаж ҳамшира-доя фаолияти йўлга қўйилди. Жорий йил сўнгига қадар эса ҳомилдор аёллар ва болаларга ҳудудидан қатъи назар, қафолатланган бепул тиббий хизматдан фойдаланиш имкони яратилди.

Шунингдек, йил якунига қадар болалар, ўсимирлар ва ҳомилдор аёлларни 7 турдаги витамин ва минераллар билан бепул таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида тақдорланувчи хизмат турларини оптималлаштириш ишлари олиб бориляпти. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Умуман, кейинги етти йилда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат оналик ва болаликни тизимли равишда муҳофаза қилиш имконини яратди. Натижада оналар ва гўдаклар ўлимнинг камайишига эришилди. Зеро, ҳомилдор аёллар ва ёш болаларга кўрсатилаётган гамхўрликни янада кучайтириш миллат соғлиқни таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Мавлуда ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ОФТАЛЬМОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДА БОШЛАНГАН ИШЛАРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Дунёни кўз нури билан англаш, идрок этиш инсонга берилган бебаҳо неъмат. Аммо ҳаётда туғма нуқсонга сабабли ёки бирор касаллик асорати ёхуд эҳтиётсизлик оқибатида кўриш имкониятини йўқотган инсонлар ҳам бор.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тиббиёти соҳасида эришилган энг катта ютуқлардан бири — айнан аҳолига кўрсатилаётган офтальмология йўналишини ривожлантириш билан боғлиқ экани эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилдаги тегишли қарори ижроси доирасида ва аҳолига кўрсатилаётган офтальмология хизмати сифатини ошириш мақсадида 2018 — 2022 йилларда Республика итисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказига 4,5 млн. АҚШ доллари қийматидаги 145 та юқори технология тиббий ускуналар олиб келиниб, хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Натижада 49 млн. офтальмологик касалликларни даволаш бўйича 172 турдаги тиббий хизматлар кўрсатишга, кўз микрохирургияси марказида дунё андозларига мос равишда жаррохлик фаоллиги 99,4 фоизга етишига эришилди. Ўтказилаётган юқори технология жаррохлик амалиётлари сони илгари йилга 10 мингга ҳам етмаган бўлса, 2022 йилда 16 мингдан ортиқ операциялар бажарилди.

Албатта, бугун тиббиёт ри-

лиётга йўналтирилди. Бундан йил неча кун олдин, яъни 25 август кунин Навоий вилоятидаги Филлиалда кўз олмасининг олди ва орқа қисмидаги лазер жаррохлик усуллари ва асоратли катаракта — сунъий кўз гавҳарини кўз склерасига тикиш амалиёти илк бора муваффақиятли бажарилди.

Офтальмология хизматини аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида эса мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган «ISUZU» русумидаги автобуслар негизда 13 дона мобил поликлиника ташкил этилди ҳамда замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Ушбу мобил поликлиникалар ҳудудий тиббиёт бошқармалари билан келишган ҳолда режа асосида эҳтиёжга қараб ҳафтада 1 — 3 марта шаҳар ва туманларга, ишлаб чиқариш корхоналарига чиқиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиб келмоқда.

Бу каби мисолларни яна кўпай қилтириш мумкин. Умуман, аҳолига кўрсатилаётган офтальмология хизмати сифатини яхшилаш борасида ишлар мисолида мамлакатимиз тиббиёт соҳасида эришилётган натижаларни бугун мингглаб кўрсатиб, ҳаётларида хис қилаётган.

Махфизат ХУШВАҚТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.



ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Кейинги йилларда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга оид давлат дастурлари амалга оширилиши туфайли мамлакатимизда юқори технологияли итисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг принципал жиҳатдан янги тизими ташкил этилди.

Биланмики, ақин 5-6 йил илгари итисослаштирилган юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш, асосан, Тошкент шаҳрида шакллантирилган республика минтақалари аҳолисининг тегишли хизматлардан фойдаланишини кенгайтиришга қаратилган.

Бугунги кунда эса бундай марказлар сони 10 тадан 24 тага, уларнинг ҳудудий филиаллари 2 тадан 270 тага оширилди. Натижада марказлар томонидан амалиётга татбиқ қилинган янги ташхислаш ва даволаш усуллари сони 260 тадан 2084 тага ошди. Шунингдек, жойларда хирургия йўналишида қўшимча 27 турдаги, эндокардиология — 7, кардиология 14 турдаги юқори технологияли амалиётлар жорий этилган.

Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий марказида бугунги кун талабларига жавоб берадиган, хорижий клиникалар билан рақобатлаша оладиган замонавий 75 ўринли операция блок қурилиб, фойдаланишга топширилгани, айниқса, эътиборга моликдир. Ҳозир бу ерда нафақат юртимиз аҳолиси, балки хорижий фуқаролар ҳам юқори технологияли муолажалар олмақда.

Соҳани халқимизга янада яқинлаштириш мақсадида ҳудудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар тармоғини янада кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада

олис ва чекка маҳаллаларга махсус контейнерлар ўрнатилиб, маҳалла тиббиёт пунктлари очилляпти. 2023 йилдан бошлаб, жойлардаги поликлиника филиаллари негизда оилавий шифокор пунктлари ташкил этилмоқда.

Масалан, йил бошидан буюн 46 та оилавий шифокор пункти ва 35 та маҳалла тиббиёт пункти йўлга қўйилиб, 250 минг нафар аҳолига бирламчи тиббиёт ёрдами таъминланди. 9 370 та маҳалладан 6 359 тасига (67 фоиз) энг яқин тиббиёт муассасалари 3 километргача бўлган масофада хизмат кўрсатмоқда.

Дарвоқе, 2023-2024 йиллар давомида қўшимча 1373 та тиббиёт муассасасини ташкил этиш режалаштирилган. Натижада 90 фоиз маҳаллаларда энг яқин тиббиёт муассасасигача бўлган масофа 3 километргача ва 10 фоиз маҳаллаларда 5 километргача бўлади.

Ҳаётга жорий этилаётган ислохотлар оналар ва болалар ўртасида ўлим даражасини кескин пасайтириш, тиббиёт муассаса ва ташкилотларнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш, асосийси, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилади. Зеро, тиббиётдаги ислохотлар Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

КўРСАТИЛАЁТГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ ХИЗМАТИДАН АҲОЛИ РОЗИМИ?

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини даволаш мақсадида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, аввало, инсон манфаатини таъминлаш, фуқаролар саломатлигини мустақамлаш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилаётди. Биргина тиббиётдаги ислохотлар натижасида сўнгги етти йилда нейрохирургия йўналиши ҳам катта ўзгаришларга юз тутди. Хусусан, илгари фақат республика марказида бажариладиган жаррохлик ҳамда даволаш амалиётларининг қарийб 40 фоизи юртимизнинг 14 та ҳудудида жорий этилди.

Кувонарлиси, бугун марказлар энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, турли нейрохирургик касалликларга чалинган беморларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Нейрохирургия хизматининг кўлими ва ҳажми, тиббий хизмат сифати вилоятларда ортиб бораётгани, маҳаллий мутахассисларнинг ёш болаларда бош мия нуқсонларини юқори технологияли жаррохлик амалиётларини мустақил равишда бажариши бунга аққол мисолдир.

Давлат томонидан нейрохирургия йўналиши бўйича ёш мутахассисларни хорижда малака ошириши фаол қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса ёш шифокорларга за-

монавий билим ва кўникмаларга эга бўлиб, кейинчалик олган таҳрибаларини Ўзбекистон тиббиётига татбиқ қилишга имкон беради.

Соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида охириги олти йилда ўтказилаётган юқори технологияли жаррохлик амалиётлари сони 2018 йилга келиб 9 955 та, 2022 йилда эса 12 277 тага етди.

Айтиш мумкинки, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз тиббиёт тарлаққиётида янги даврни бошлаб берди. Мазкур ҳужжат билан нейрохирургия

бўлимлари замонавий техник ускуналар билан таъминланди. Утган йилда ҳудудларда ташкил этилган тиббий кўриқларда 975 нафар бемор аниқланиб, уларнинг 114 нафариде жаррохлик амалиёти ўтказилди.

Тўққизта янги жаррохлик амалиёти ўзлаштирилгани, шу жумладан, эпилепсия, бош мия фалажи, инсультнинг олдини олиш ва ўткир даврида даволаш, болаларда ретинобластома онкологик касаллигида қон томир орқали киметерапия ўтказиш ва бошқа турдаги жаррохлик амалиётлари йўлга қўйилгани соҳадаги ислохотлар натижасидир.

Бундан ташқари, 100 дан ортиқ нейрохирург-шифокорлар хорижининг турли мамлакатларидан Ўзбекистонда маҳорат дарслари ўтказиш ва конференцияларда қатнашиш учун келди. 108 нафар мутахассис ўз иш жойларида, 20 нафари марказда, 15 нафари хорижда юқори технологияли амалиётлар учун қайта тайёрланди.

Телетиббиёт орқали ҳудудларда ҳар йили 30 га яқин масофавий тиббий

маслаҳатлар амалга оширилиб, беморларга яшаб жойида даволашни имконияти яратилиб келинмоқда. Вилоятларда болалар нейрохирургияси учун 58 та ўрин ажратилди. Тиббий буюмлар ва дори воситалари билан таъминлаш эса 99 фоизни ташкил қилди.

Ушбу ўзгаришлар республиканинг барча ҳудудини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, кадрлар салоҳиятини мустақамлаш, нейрохирург врачларнинг ўз мактабини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда нейрохирургик касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва уларни даволаш соҳасида мамлакатда илмий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш имконини берди.

Умуман олганда, нейрохирургия соҳасини ривожлантиришга қаратилган ушбу чора-тадбирларнинг барчаси мамлакатимизда мазкур йўналишда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатининг сезиларли даражада яхшиланганига олиб келди. Асосийси, беморлар хорижда чиқмасдан Ўзбекистоннинг ўзиде тажрибали мутахассислардан малакали ёрдам олиш имкониятига эга бўлди.

Мавлудохон АДҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Биз ва жаҳон

Нью-Йоркда байрам сайиллари ва футбол турнири ўтказилди

Нью-Йоркда шаҳар мэри ва бошқа расмийлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган байрам тантаналари ташкил этилди.

Хусусан, 26-27 август кунлари "Кайзер" боғида "Mahalla USA" ўзбек жамоат бирлашмаси ташаббуси билан мамлакатимизнинг Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси ва "Ватандошлар" жамоат фонди ҳамкорлигида футбол бўйича аънавий "Мустақиллик кубоги — 2023" мусобақаси ва катта байрам сайли уюштирилди.

Футбол бўйича турнирда АКШнинг 10 та штатидан келган ватандошлардан тузилган 15 та жамоа ўзаро баҳслашди.

Мусобақаларнинг саралаш босқичи 26 август кuni бошланиб, голибликка даъвогар бўлган жамоалар ўртасида ҳал қилувчи финал баҳси 27 август кuni бўлиб ўтди.

"Pakhtakor", "Lokomotiv", "Marokand", "VIP", "UZB FC", "O'zbekim", "SF Falcons", "UZ Galaxy FC", "Semurg", "Istiqlol", "KC Lochin", "Nashville", "Uzbek Chicago", "Turon", "FC Sogdiana" каби жамоалар мазкур мусобақага пухта тайёргарлик билан келишгани яшил майдонда намойиш этди.

Хаваскор жамоалар томонидан кўрсатилган юксак маҳорат ва қизиқарли ўйинлар футбол ишқибозларига хурсандчилик бағишлади. Турнирда Ўзбекистон футбол федерацияси вице-президенти Одил Аҳмедов фахрий меҳмон сифатида иштирок этди. Таниқли собиқ футболчи, шунингдек, болалар учун маҳорат дарси ўтказди.

Мусобақа якунига кўра, биринчи ўринни Нью-Йоркнинг "Pakhtakor" жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ўрин Каназа штатининг "KC Lochin" ва учинчи ўрин Огайо штатининг "Istiqlol" жамоаларига насиб этди. Турнир голиби "Pakhtakor" жамоасига бош соврин — "Мустақиллик кубоги" тантанали равишда топширилди. Соверндорлар қаторидан ўрин олган жамоалар

хам мусобақа ташкилотчилари ва "Ватандошлар" жамоат фондининг эсдалик совгалари билан тақдирланди.

27 август кuni эса мамлакатимиз мустақиллик кунига бағишланган халқ сайиллари ўтказилди. Мазкур тадбирда АКШнинг турли штатларидан ташриф буюрган юртдошларимиз, Нью-Йорк шаҳрининг сиёсий доира вакиллари, жумладан, шаҳар мэри Эрик Адамс, Нью-Йорк штати Сенати лойиха директори Эзера Ахмед, Нью-Йорк шаҳри Кенгаши депутатлари Виллиам Колтон, Ари Каган, Махаил Новахов, Алекс Брук-Красный, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Хорижий меҳмонлар ўзбек халқининг бой маданияти, тарихи, урф-одат ва аънаналари, юртимизда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган жадвал ва кенг қамровли ислохотлар тўғрисида маълумотлар билан танишдилар. Байрам сайли доирасида шахмат, шашка, аркан тортиш, куч синиши, тош кўтариш ва бошқа ўзбек миллий ўйинлари ўтказилди. Халқ хунармандчилиги буюмлари кўргазмаси ҳам уюштирилди. Ўзбекистондан ташриф буюрган элимиз сўйган санъаткорлар ва ёш ватандошлар томонидан миллий кўшиқ ва рақслардан иборат маданий дастур намойиш қилинди. Ўзбек санъаткорлари томонидан ихро этилган куй-қўшиқлар шу кuni тадбирда қатнашган америкаликлар ва ватандошларга хушхабар бағишлади.

Мамлакатимиз истиқлолининг ўттиз икки йиллигига бағишланган сайилда, шунингдек, 3 та дошқозонда миллий таом — палов тайёрланди ва меҳмонларга улашилди.

Ақсарият фуқаролар ўз мамлаката ва халқи билан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг кўз ўнгига юксак обрў-эътиборга ва

Аксарият фуқаролар ўз мамлаката ва халқи билан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг кўз ўнгига юксак обрў-эътиборга ва

Аксарият фуқаролар ўз мамлаката ва халқи билан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг кўз ўнгига юксак обрў-эътиборга ва

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗ ҲАЁТИДАН ҚОНИҚИШ ДАРАЖАСИ ЮҚОРИ



Кўп миллатли Ўзбекистон халқи давлат мустақиллигининг 32 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган бир пайтда "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан жамоатчилик фикри сўрови ўтказилди.

Тадқиқот

Тадқиқот мутлақ кўпчилик ҳамюртларимизнинг назарида мустақиллик иқтисодий-ишқибозлиги, сиёсий барқарорлик, мамлакат, жамият, ҳар бир оила хавфсизлиги ва фаровонлигининг асоси ҳисобланади, фуқароларга ўзини фаровон давлатнинг бир қисми сифатида ҳис қилишга ишонч бағишлаши, фаол фуқаролик позициясини ва жонажон мамлакат рақибига муносиб ҳисса қўшиш истагини рағбатлантиришини кўрсатди.

Сўров иштирокчиларининг таъкидлашича, мустақилликка эришиш уларга кенг имкониятлар, жумладан, ўз ҳаёти ва келажакини эркин белгилаш, рақбарларни танлаш ҳамда муҳим ҳаётий манфаатларига оид қарорларни қабул қилишда иштирок этиш имконини беради.

Ўзбекистонликлар мустақилликни юксак қадрлашади, шу сабабли фуқароларнинг ақсарияти, яъни 73,5 фоизи ушбу муҳим санани аъло ва кўтаринки кайфият билан, ўз мамлаката, халқи учун, иқтисодий, ижтимоий, илмий, техник, маданий ва бошқа кўлаб соҳалардаги тарихий ривожланиш йўлларига эришилган натижалар учун ғурур ва ифтихор туйғуси билан нишонламақда.

Аксарият фуқаролар ўз мамлаката ва халқи билан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг кўз ўнгига юксак обрў-эътиборга ва

ижобий имижга эга эркин давлат ҳисоблангани учун фахрланади.

Респондентларнинг мутлақ кўпчилиги мустақил Ўзбекистон фуқароси эканидан, ўзларининг шу юртга, ягона миллатга мансублигидан фахрланишади, мамлакатда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлигини энг олий қадрият сифатида қабул қилади.

Сўров иштирокчиларининг 76,4 фоизи бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар туфайли мамлакатимизда фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёти таъминланаётгани ҳамда жамиятда бағрикенглик, дўстлик ва инсонпарварлик ҳукми сураётганини эътироф этган.

Олинган сўров натижалари мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига хурмат муносабатини шакллантириш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш, аҳолининг адолат ва судга бўлган ишончини ошириш борасида салмоқли ютуқларга эришилганини кўрсатмоқда.

Респондентларнинг фикрига кўра, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ёш авлодни инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш ва тарбиялашда ижобий динамикага эришилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакат фуқаролари аҳолининг ижтимоий

ҳимояга муҳтож қатламларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларда ижобий ўзгаришларни қайд этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув-энергетика, транспорт, маданий-гуманитар соҳалардаги халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатидаги мавқеи ва роли сезиларли даражада ошганлиги ҳам таъкидланган.

Ўзбекистон нафақат яқин хориждаги аънавий ҳамкорлари билан ришталарни мустаҳкамламоқда, балки уларнинг географиясини кенгайтириб, янги алоқалар ўрнатмоқда. Кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва замонавий таҳдид ҳамда хатарларга қарши курашиш мақсадида мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги фаоллигини кучайтириш алоҳида аҳамият касб этаётир.

Респондентларнинг фикрича, ўттиз икки йиллик мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистонда яшаётган барча халқ ва миллатлар вакиллари ўртасида тинчлик, дўстлик ва ўзаро англашув сақланиб қолгани ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, фуқароларнинг, айнисика, чекка ҳудудларда ичимлик сувидан, электр энергияси, табиий газ, телекоммуникациялардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, шунингдек, йўллар, автомагистраллар, замонавий йўл кесимишлари ва кўприклар қурилиши борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари қайд этилди.

Фуқароларнинг фикрича, сезиларли ижобий ўзгаришлар таълим тизимига, таълим хизматлари сифатини яхшилашга, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллежлар ва олий ўқув юр்தларининг моддий-техника базасини такомиллаштиришга таъсир кўрсатди.

Тадқиқот мамлакат аҳолиси томонидан инсон манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида эришилган натижалар юқори даражада баҳоланаётганидан далолат беради.

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази маълумотлари асосида тайёрланди.

Сирожиддин ВОҲИДОВ олган сурат.

Байрам шукуҳи

Кекса авлод вакилларига эҳтиром

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви томонидан уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" шиори остида Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллик байрамга бағишлаб хайрия дастурхони ўтказилди. Унда "Нуроний" жамғармаси вакиллари, меҳнат фахрийлари, нуронийлар, кенг жамоатчилик ва пансионатда истиқомат қилаётган кекса авлод вакиллари ҳам бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийларига, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор, эъзоз, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва саломатликларини асраш учун амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани ҳақида сўз юритилди. Бу даргоҳда яшаётган кекса авлод вакиллари "Нуроний" жамғармаси республика бошқарувининг байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

— Истиклолимиз шодиёналари ҳар бир қалбга ажиб кўтаринклик, сурур ва шуқуқ улашмоқда, — дейди пансионат директори Фарангиз Акрамова. — Пансионатимизда ҳам бугун катта байрам. Ҳозирги кунда бу даргоҳда 145 нафар яқка-ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлган нуронийларимиз тўлиқ давлат таъминотида яшади. Уларга 90 нафар ходимимиз гамхўрлик қилиб келмоқда.

— Ўзим она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлганман, мактаб-интернатда илмий мудир бўлиб ишлаганман, — дейди салкам бир аср яшаб қўйган, 94 ёшли онахон Фотима Каримова. — Қилган меҳнатларим зое кетмади, давлатимизнинг юксак эътиборидан баҳраманд бўлдим. "Халқ маорифи аълочиси" ман. Бир қатор орден-медаллар билан тақдирланганман. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига берилган имтиёзлардан мен ҳам фойдаланаман. Бу ерда давлатимиз томонидан барча қулай шароитлар яратилган. Бепул дорилар олашим. Дам олишимиз, соғлигимизни тиклашимиз учун ҳамма нарса бор. Мен доволанишга келганман. Шифокорлар барирака топишсин, имконият даражасида яхши қарашяпти.

Тадбир иштирокчилари давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликлар учун миннатдорлик билдириб, дуолар қилишди. Дилтортар куй-қўшиқлар хайрия тадбирига файз бағишлади.

«Халқ сўзи».

Москвада «Лазги — қалб ва муҳаббат рақси» балети намойиш этилади

10 сентябрь кuni Москвадаги машҳур Катта театрининг тарихий сахнасида Ўзбекистон Маданияти ва санъатини ривожлантириш жамғармаси кўмағида шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонлари учун "Лазги — қалб ва муҳаббат рақси" балети намойиш этилади.

Таниқли немис хореографи ва балетмейстери Рауль Раймондо Ребек сахналаштирган ушбу спектакль ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган қадимий халқ рақси — Лазгига бағишланган.

Халқ донишмандлиги тимсоли бўлган, энг дилбар туйғулар билан боғлиқ Хоразм лазгиси уч минг йилдан ортиқ тарихга эга. Мафтункор энергия, қизгин ҳаракат, мураккаб рақс нақшига асосланган ўзига хос услуб — буларнинг барчаси Лазгини ажойиб маданий ҳодисага айлантиради. Ўзбекистон миллий балетининг спектакли биринчи марта 2021 йилда томошабинлар эътиборига ҳавола этилган ва шу заҳотиёқ катта шов-шувга айланиб, санъат илосмандларининг юқори баҳолигига сазовор бўлди.

Раймондо Ребекнинг аънавий қадимий рақсини мумтоз балет элементлари билан уйғунлаштирган мазкур спектакли томошабинларга Шарқнинг ўзига хос жозибаси ва Буюк Ипак йўлининг улғувор сеҳрини тақдим этади.

2021 йил 27 ноябрь кuni "Экспо-Дубай — 2020" доирасида Дубай операси сахнасида "Лазги — қалб ва муҳаббат рақси" балети спектаклининг премьераси бўлиб ўтганди.

Орадан бир йил ўтиб, 21 июнь кuni Истанбулнинг Отатурк номидаги маданият марказида ушбу балет спектакли Туркия жамоатчилиги эътиборига тақдим этилган.

Эслатиб ўтамиз, 2019 йил 12 декабрда ЮНЕСКО ҳузуридаги Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмита "Хоразм рақси — Лазги"ни Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритган эди.

«Дунё» АА. Москва

Advertisement for FIDO-BIZNES 32 YIL MUSTAQILLIK MUBORAKBOLISIN. It features a large image of a bird and text in Uzbek and Russian. The text includes: «FIDO-BIZNES» компанияси жамоаси азиз ватандошларни, ҳамкорлар ва ҳамкасбларни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги билан қутлайди! Файзли ва меҳмондўст юртимиз тинч бўлиши ҳамда тобора гуллаб-яшнаши, ҳар бир оилага бахт-саодат ёр бўлишини тилайди. Эришаётган янги ютуқлар ва муваффақиятлар мамлакатимиз бахтиёр келажакнинг мустаҳкам гарови бўлсин!

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Ташрифта келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров. Мусаҳҳих — С. Исмолов. «Шарқ» нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.05 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6